



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY QURULTAYI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
30 июнь
ЧОРШАНБА
№ 51
(12.271)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

2010 йил – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ЖОЗИБАСИ

Юртбошимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг жорий йилда ўтган йиғилишида таъкидлаганидек, юртимизда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндошувни талаб этади. Шу боис юртимизда спортнинг қизлар учун мос бўлган баъийи гимнастика, синхрон сузиш, енгил атлетика, стол тенниси каби турларини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.



Ёш қизларни спорт мусобақаларига оммавий жалб қилиш, уларни соғлом турмуш тарзига интилишга ўргатиш, маънавий-ахлоқий тарбияни янада қучайтириш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият ва спорт ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш, "Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" жамғармалари, "Қизил Ярим ой" жамияти ҳамда вилоят гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда Чирчиқ шаҳридаги 8-умумтаълим мактабиди 1996-1997 ва 1998-2000 йилларда туғилган қизлар ўртасида спортнинг бади-

ий гимнастика тури бўйича "Қамолот гўнчалари" мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Мусобақада қизлар лента, коп-ток, ҳалқа ва аргамчида сакраш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Тадбирда Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Бекобод, Пискент, Бўқа, Ўртачирчик, Қибра, Янгийўл, Тошкент ва Оҳангарон туманларидан ёш қизлар иштирок этишди. Мусобақа якунларига кўра, Карина Акбаралиева ва Севара Жалолова 1-ўринни, Муниса Юсупова ва Зебо Ортиқова 2-ўринни, Диана Амет ва Зебунисо Хамидова 3-ўринни эгаллашди. Уларга ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Шоҳрух ҲАКИМОВ.

СУРАТЛАРДА: тадбирнинг ҳаяжонли лаҳзалари. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА

Вилоят прокуратураси томонидан назорат қилувчи идоралар фаолияти самардорлигини ошириш, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг боришига тўққинлик қилаётган қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, ҳужжалик юритувчи субъектлар фаолиятига путур етказувчи ноқонуний маъмурий жазо қўллаш ҳолатларининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилапти.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самардорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи ҳамда "Назорат-тектирув идоралари фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини қучайтириш тўғрисида"ги кўрсатмаси талабларидан келиб чиққан ҳолда вилоят прокуратураси идоралари томонидан вилоятда 35 та назорат-тектирув ўтказилди.

Вилоят прокуратурасида назорат-тектирув фаолиятининг қонунийлиги устидан прокурорлик назоратини қучайтиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда қайд этилишича, 2009 йилда тегишли идоралар томонидан вилоят прокуратурасига

148 та ҳужжат юборилган бўлиб, шундан 64 таси бўйича жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Тахлиллар айрим назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказилаётган тектиришларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш ва прокуратурага юборишнинг аҳоли талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. 2009 йил давомида вилоят статистика бошқармаси, Молия вазирлигининг вилоятдаги инспекторлари, "Ўзстандарт" агентлигининг вилоят бўлими, Монополияга қарши кураш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ветеринария бошқармалари, вилоят давлат дон ва наслчилик инспекциялари каби назорат органлари томонидан

юқорида қайд этилган тартиб талаблари асосида прокуратура органларига материаллар юборилиши таъминланмаган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси катта прокурори Ю. Шакирова, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Н. Эрбеков, вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи Т. Ботилов, вилоят ветеринария бошқармаси бўлими М. Сатторовалар сўзга чиқиб, бу борада олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр юритдилар.

Учқун ҲАМДАМОВ.

МУҲОҒАЗА

ХАВҒЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРГА МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга кўра, кейинги вақтда айрим мамлакатларда чорва моллар орасида оқси, бруцеллез, парранда гриппи, пастереллез каби юқумли касалликларнинг тарқалиши кўзатишмоқда.

Мазкур касалликлар юртимизга кириб келишининг олдини олиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бошқармаси томонидан ўтказилаётган кенг миқёсдаги тадбирлар самарасида юртимизда чорва ҳамда бошқа ҳайвонлар орқали хавфли инфекциялар, жумладан, бруцеллез, пастереллез, ўлат ва оқсил каби юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишига қарши мустаҳкам тўсиқ қўйилмоқда.

Мамлакатимизда мазкур касалликлар қайд этилмаган бўлса-да, эпизоотик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида жойларда из-

чил тадбирлар амалга оширилмоқда, дейди Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Нурбек Йўлдошев. Касаллик ҳайвондан ҳайвонга асосан оғиз бўлиги, нафас аъзолари орқали юқиши ҳисобга олиниб, мулкчилик шаклидан катти назар, чорвачилик объектлари дезинфекция қилинмоқда. Жойларда ветеринария мутахассисларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, эпизоотик, эпидемиологик мониторинг олиб боришмоқда.

Давлат чегараларидан ўтиш жойларида фаолият кўрсатаётган 15 ветеринария назорат маскани узлуксиз ишлаши учун зарур барча жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар, зарарсизлантирувчи моддалар билан таъминланди. Чегара ҳудудлардаги 1,2

миллион бошдан зиёд чорва моллар бруцеллез, 500 мингтадан кўпроғи туберкулёз ва лейкоз касалликлари бўйича ветеринария кўригидан ўтказилди. 371 мингдан зиёд қўй-эчки бруцеллез касаллигига қарши эмланди. Шунингдек, юртимизга кириб келаётган, транзит техника воситалари дезинфекция қилинмоқда.

Бозорларда, қушхона, сўйиш майдончалари, гўшт дўконлари ва бошқа жойларда чорва моллар миграцияси устидан назорат янада қучайтирилди. Инфекция кириб келишига йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган бундай чоралар, аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг кўламли тушунтириш ишлари натижасида мамлакатимизга хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олди олиниб, эпизоотик барқарорлик сақланмоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва иқтимоий масалаар қўмитаси томонидан "Тиббиёт қонунчилигида фаннинг амалиёт билан бирлиги масалалари: муаммо ва ечимлар" мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Адлия, Молия, Иқтисодий вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси вакиллари, республика ҳудудидаги тиббиёт олий ўқув юрталари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбар ходимлари, тиббиёт соҳасидаги иқтисодлаштирилган илмий кенгашлар раҳбарлари, илмий-амалий тиббиёт марказлари директорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти мутасаддилари иштирок этди.

Анжуманда тиббиёт тизимининг ҳуқуқий ва моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётганилиги, соҳадаги кенг кўламли ислохотларда айнаикса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳасига оид "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида", "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида", "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада қучулаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури асосида амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонлари ва ўндан ортиқ қонунларнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди.

Эргаш ХЎЖАЕВ, "Туркистон-пресс".

МАҚСАД – МАҲСУЛОТЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

"Ўзэкспомарказ"да очилган навбатдаги саноат ярмаркасида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ҳамда телекоммуникациялар масалалари комплекс корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.



Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни қучулаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан ўтказилмоқда. Тадбир қатнашчилари орасида "Unicon.uz" давлат унитар корхонаси, "Telemax elektroniks" масъулияти чекланган жамияти, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, "Ўзфармасаноат" давлат акциядорлик концерни, "Радиопрепарат" давлат корхонаси, "Доридармон" акциядорлик компанияси, "Жўрабек лабора-

ториес" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси, "Фармедсаноат" хусусий корхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги корхоналари, "NVA" қўшма корхонаси, "SITAN" масъулияти чекланган жамияти ва бошқа корхоналар бор. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони жамиятимизда ахборот маконини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиз олимлари, ишлаб чиқувчилари, мутахассислари маҳаллий шароитга мос имлалаб лойиҳаларни жорий этиш, энг сўнгги хориж тажрибасини ўзимизнинг шароитга мослаштирган ҳолда улардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, "Unicon.uz"

илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси "Миллий криптопровайдер", "E-Hijjat" электрон ҳужжат айланиш тизими, "E-Хат" химояланган электрон почта тизими, "Алоқа кабель тармоқларини ҳимоя қилиш тизими", "Кадастр ОС" алоқа объектлари кадастр ахборотини тўллаш ва қайта ишлаш тизими, "Электрон қулф" аппарат-дастур қурилмаси каби инновация ишланмаларини намойиш этмоқда. Бундай лойиҳалар амалда муваффақиятли қўлланилмоқда. Янгиликлардан яна бири – "Himfayl" файлларни ҳимоя қилиш тизими шахсий компьютер ёки ташқи дискни ахборот манбаларида сақланаётган файллар махфийлиги ҳамда яхлитлигини таъминлаш учун мўлжалланган.

Ярмаркада таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа корхоналари ҳам турли хил препаратлар ва буюмларни намойиш этаётди. Ярмарка иштирокчилари ва бу ерга ташриф буюрганлар соҳалар ва корхоналар тақдирот маросимларида иштирок этиши, уларнинг техник ва технологик имкониятлари билан танишиши, тажриба ҳамда ютуқлар билан ўртоқлашиши мумкин. В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири.



МАҲАЛЛАГА ФИДОЙИЛАР КЕРАК

Абдусаттор Ҳалимов пенсия ёшидан ошиб, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тотган, пасту-баландини обдон тушунганлардан. Маҳалладошлар уни оқсоқолликка сайлаб адашмадилар.

Мана бир неча йилдирки, Тошкент тумани Масалбой қишлоғидаги «Хиёбон» маҳалласи оқсоқоли. Маҳаллада уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг яхши-ёмон кунларида оқсоқол доимо

ота Абдуллаев. – Унинг фидойилиги, ўзгалар дарди билан қуйиб-ёниши ҳаммага, айнаикса, ёшларга ибрат.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: (чапдан иккинчи) Абдусаттор Ҳалимов маҳалла фаоллари билан маслаҳатда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

2010 йил учун ОБУНА давом этмоқда

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

газетасининг индекси – 205.

БИТИРУВ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида кундузги таълим ва Олий академик курслари тингловчиларининг битирув маросими бўлиб ўтди.

Унда Республика Ички ишлар вазирлиги, маҳаллий давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар академияда олий маълумоти мутахассис кадрларни тайёрлашда тингловчиларга берилаётган назарий билимларни амалиётда қўллаш бўйича касбий кўникама ва тажрибаларни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлигини алоҳида таъкидлади.

"Туркистон-пресс".

